

(қолынан ыдысты алып)

Кесапат екен бул, жүзін қурысын! [5].

Шайыр келтирилген мысалда үйжанғыр, кесапат, жүзін қурысын сөгис хәм ғарғыс сөзлерди қатар қолланылыу арқалы поэмадағы врач хәм медсестра ортасында қарама-қарсылық шебер сәулеленген.

Хайуан хәм жәнлик атлары менен кемситиуши вульгаризмлер де шайыр шығармаларында қахарман образын сүүретлеуде орынлы қолланылған. Мысалы:

Сен жуап бересең заңның алдында,
Енди қолға түстиң шағауық шаян! /

Әдебиетлар

1. Бердимуратов Е. Хәзирги қарақалпақ тили. Лексикология. –Нөкис: 1994.
2. Бердимуратов Е. Әдебий тилдің функциональлық стильлериниң раўажланыуы менен қарақалпақ лексикасының раўажланыуы. –Нөкис: 1973.
3. Абидова З. Бадий матнда варваризм ва вульгаризмлар лингвопоэтикаси. Маг дисс. – Тошкент: 2011.
4. Мәтмуратов Т. Жақсылық сарайы. –Нөкис: 1986.
5. Мәтмуратов Т. Арзыу шәмени. –Нөкис: 1982.

РЕЗЮМЕ. Мақолада шоир Т.Мәтмуратов асарларида қўлланилған вульгаризмларнинг бадий ва услубий қўлланилиши ўрганилган. Шунингдек, шоир асарларида вульгаризмларни персонажларнинг воқеа ва ҳодисаларга муносабатлари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ. В статье изучено художественное и методическое применение вульгаризмов, применявшихся в произведениях поэта Т.Мәтмуратова. Так же в произведениях поэта изучено отношение вульгаризма к событиям персонажей.

SUMMARY. The article studied the and methodological application of vulgarisms used in the works of the poet T.Matmuratov. Also, the poet's works studied the attitude of vulgarism to the events and events of the characters.

“РУСТАМХОН”ДОСТОНИДАГИ СИФАТ СЎЗ ТУРКУМИГА ХОС ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ МЕТАФОРАЛАШУВИ

Х.Ҳамдамова – ўқитувчи

Жиззах политехника институти

Таянч сўзлар: бахши, достон, эпик маҳорат, эпик индивидуаллик, сифат, метафора, матн, лексема, тил, услуб ва ҳ.к.

Ключевые слова: бахши, эпос, эпическое мастерство, эпическая индивидуальность, качество, метафора, текст, лексема, язык, стиль и др.

Key words: bakhshi, epic, epic skill, epic individuality, quality, metaphor, text, lexeme, language, style, etc.

Бу типдаги сўзлар достон тилида, умуман, адабиёт ва халқ тилида морфологик тизимдаги от, отлашган сўзлардан олдин келиб, бирор нарса ва ҳодисанинг бирор белгисини ифодалаши билан хилма-хил коннотатив маъноларни юзага чиқаришга хизмат қилади. Сифат туркумига хос лексемаларнинг достон матнидаги услубий имкониятларини окказионал семаларни ифодалашда, яъни муайян эпик қаҳрамонларнинг бирор характерга хос ижобий ёки салбий хусусиятларини, достон ижросида тасвирланаётган қаҳрамоннинг турли хил кайфияти, ички кечинмалари, жанг майдонидаги рухий изтиробларини моҳирона баён қилиш орқали достон тингловчиларига турли хил метафорик ҳиссиётларни уйғотади. Ушбу услубий ҳосила натижаси ҳисобланган лисоний метафоралар ҳам бир жиҳатдан умумий ва ўхшашлик, иккинчи жиҳатдан бахшининг бадий маҳоратини, эпик репертуаридаги индивидуаллигини, ўзига хос услубига эга эканлигини белгиловчи восталардан саналади.

“Рустамхон”да сифат сўз туркумига хос бир қатор лексемаларнинг метафорик қўлланилиши кўплаб матнларда кузатилди: улар отга аниқловчи+аниқланмиш тарзида баҳоланиб, нарсас-ҳодисаларнинг муайян жиҳатларини аниқлаштиришга ёки ўхшатишликка хизмат қилган. “Метафорани танлаш субъект ихтиёрида бўлгани учун метафорани тушуниш доим ҳам осон бўлавермайди. Чунки субъект ўхшашликни очадиган эмас, яратади ҳам” [3]. Қуйидаги мисолни кўздан кечирайлик: “Борса от сариси тошиб ёки қулогидан ошиб, учадиган қушдай, ҳар кўзи таркашдай, юлдузни кўлаб парокқос бойлаб, ўйнаб турибди (375); Кела шаштим қайтмасин, - деб тўқсон ботмон чўяндан бўлган калтак билан кампирни қўйиб юборди. Кампир тарикдай тирқираб кетди” (426). Ушбу матнларда бахши эпик қаҳрамонларнинг муайян хатти-ҳаракати ва физиологик ҳолатини баён этишда ўхшатиш усули орқали метафоризациялаштирган. Тархаш лексемасининг изоҳи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ўжар, қайсарлик маъносида, тархашлик –

Мәкеме баслығы бола тура сен,
Қыянет еткенсең халықтың мүлкине.

Яқ, буған шыдап туралмаспан мен,
Алдатып қоймаймыз сендей түлкіге! [5].

Шайыр келтирилген мысаллардағы шаян, түлки вульгаризмлери арқалы сүүретлеп атырған қахарманға деген унамсыз сезимди, кәхәрди, ғәзепти оятыу ушын қолланылған.

Улыўма алғанда, шайыр вульгаризмлерден көркем шығарманың эстетикалық қунлылығын, тәсиршеңлигин арттырыўда орынлы қолланғанын көриўимизге болады.

қайсарлик, терслик маъноларида [5] қўлланилиши қайд этилган. Лекин, мазкур луғатда тарик лексемасининг изоҳи берилмаган. Достон матнидаги семантик маъно табиатига эга бўлган сифат лексемасига бахши достон куйлаш жараёнида ўзининг бахшиёна ижро услуби билан ёндашиб ифодалаган ва метафоризация ҳосил қила олган. Бинобарин муайян “ижодкорнинг дунёқараши, ғояси, рухий олами, эстетик идеали унинг ҳар бир образи, ҳар бир тасвирий воситасида намоён бўлади” [1].

Достон матнидаги метафоризациялашган лексемаларнинг лисоний табиати ҳақида сўз юритилганда, дастлаб метафораланаётган лексема ўзининг ёрқинлаштирувчи ҳосилани юзага чиқариш учун метафорик сўзни талаб қилганида ҳар иккала баҳоланаётган сўз орасида муайян ўхшашлик ва бир-бирига мос келувчи семаларнинг бўлиши шартлигини ҳисобга олиш зарур. Шу нуктаи назардан баҳолаганда, бахши достон куйлаш жараёнида оғзаки нутқдаги ёки анъанавий достонларда фаол қўлланувчи метафоралардан самарали фойдаланиб, тингловчиларининг эътиборини янада яқинроқ жалб этиш мақсадида баёнда аффе́ктивликни кучайтиришга, ижрода эпик бадийликни таъминлашга ва охи́роқибатда ўзига хос ва мос услубни яратишга эришган. Достондан намуна сифатида берилаётган қуйидаги матнлар бу борадаги қарашларимизни тўлиқ тасдиқлайди: “Бир юртдан бир юртга огишиб қолган, подшоларнинг назнида бетайин (тайинсиз) одам бўлса, бу бизнинг одамимиз деб йиғлаб олар эди” (407); “Қайсар Рустам ушлаб олиб, // Ўзга жаллоднинг барисин, // Қилич дамидан ўтқариб (388); Қилар Рустам зайрати // кегача бериб келсам, деб” (396); “Олтин тахтли қулбаларим вайрондир, // Ойимларнинг хаста кўнгли хайрондир”. Матндаги қорайтириб кўрсатилган лексемаларнинг метафорик маъно қирралари лексик қуршовда ўзига хос услубда намоён бўлган. Халқ тилида ва анъанавий достонлар матнида фаол қўлланувчи ушбу лексемалар “Рустамхон”да метафорик маънода қўлланганки, улар

бахшининг импровизация жараёнидаги ғоявий-бадий мақсадни дoston тингловчиларига етказишда прагматик кўприк вазифасини бажарган.

Халқ бахшисининг дoston ижросидаги сўз қўллаш маҳорати шундан иборатки, метафорик лексеманинг асл ва кўчма маънолари ўртасидаги ўхшашликни ўз тингловчилари кўз ўнгиди моҳирона гавдалантира олган. Айни шу жараёндан ўтиб ҳосил бўлган метафораларгина дoston тилининг бадий қийматини оширишга хизмат қилган. Бу ўринда биргина *ширин жон* лексемасининг метафоризациялашиб келган лисоний хусусиятларини кузатамиз: *Ўтар дунё ўтарини ўйладинг, // Қиёмат деб, ширин жонинг қийнадинг (423); Қаттиқ кунда ҳолим тангдир // Жон шириндир, бошим гангдир (385)*. Дoston матнида рух, ҳаёт, куч-қувват маъноларини ифодаловчи форсча *жон* лексемаси мазали, тотли, ёқимли маъноларидаги форсча *ширин* сўзи билан бирикмали метафора ҳосил қилган.

Бахши дostonни қуйлаш жараёнида, хусусан, эпик қаҳрамонларнинг муайян хатти-ҳаракатлари, руҳияти ва ички кечинмаларини моҳирона баён этиш чоғида *ширин жон* бирикмасининг дoston матнида оғзаки сўзлашув нутқидаги маъноси билан окказионал тарзда қўллар экан, у орқали “умр, ҳаёт” бебаҳо неъмат эканлигини таъкидлашга эришган: *“Жон ширин Хуройим кўзини очган йўқ эди, тиз тегмаса ҳам, ўлим ҳалокатига келиб эди, ҳеч нима қулогига кирмай қолиб эди” (387); Тўлган ўхшай паймона // Ширин тандан узилади, // Бирга юрган ширин жон – а (384)*. Матндаги *ширин* лексемаси *жон* сўзи билан бирга келиб, “қувончли коннотатив маънони юзага чиқарган. Бинобарин, “коннотатив маъно нутқий маъно бўлганлиги учун унга чегара қўйиб бўлмайди, яъни бир лексема бир нутқий вазиятда бир хил коннотатив маъно англатса, иккинчи бир нутқий вазиятда яна бошқа коннотатив маъно англатиши мумкин [2]”.

Дostonда эпик қаҳрамонларнинг маънавий дунёси, муқаддас динга бўлган эътиқодини юзага чиқарувчи исломий фарз-амалларини ифодаловчи сифат-метафоралар ҳам қўлланган: *“Бу подшомиз набий раҳмат йигитдир” (368); Уч кун бўлди янги номоз бошладим, // Яхшилик йўлларин маҳкам ушладим (358)*; Бахши биринчи жумлада *“набий раҳмат”* бирикмасини метафоризациялаш орқали “авлиёсифат”, “пайғамбар” маъносини юзага чиқараётган бўлса, иккинчи матнда *номоз* лексемасининг генетик асосидаги 1) мусулмонларнинг кунига беш маҳал қилинадиган ибодатлари мажмуи ва уларнинг ҳар бири; 2) умуман ибодат [4] семаларининг 2-семик маъносига кўра метафорик маъно ҳосил қилган.

Халқ бахшиси дostonдаги муайян воқеа-ҳодисаларнинг эпик баёнида, муайян эпик қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ташқи киёфасини тасвирлашда тингловчиларига қизиқарли бўлиши учун сифат метафоралардан ҳам жуда унумли ва мақсадли фойдаланган; *“Туновчи кўргани гавиона қаландар, телпаги қаққайиб, эгасининг қошида ўтирибди (441); Мен ётарман очик горуларга кириб, // Ўликларман бу замон бирга бўлиб (428); э, боланг курсин! Ҳайбатисийёсатига одам яқин бориб бўлмайди. Бир қаради, кўзи ёмон ўткир экан, жоним чиқиб кетаёзди(426); Дорнинг остида дустаман ётган энаси бағрини кўтариб, қучогини ёзиб, “Рустам” деб чақириб*

турибди” (390). Дostonдан намуна сифатида олинган мазкур мисолларнинг дастлабкисида *гавиона* лексемаси “бақувват” маъносини образли ифодалаш учун метафорик маъно қўлланган. Ушбу лексеманинг семмик курилиши ҳақидаги маълумотлар “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг барча нашрларида берилмаган. Лекин шундай бўлса-да, бу лексеманинг оғзаки сўзлашув нутқида, анъанавий дostonлар матнида *“қорувли”, “бақувват”, “тўлачадан келган”* каби маъноларни ифодалашга хизмат қилишини кўпчилики билишади. Матннинг иккинчи мисолидаги “очик” лексемасининг семантик курилиши қуйидагича: **Очик** - 1) Ҳеч нарса билан беркитилмаган, тўсилмаган; 2) бекитилмаган, маҳкамланмаган, қулфланмаган; 3) яланғоч; 4) берк эмас, очик ҳолда; 5) ёрилган, очилган; 6) кўчма; равшан; аниқ; аён, кўриниб турибди; 7) тўғри, ҳақиқий [4]. Бу изоҳдаги 1-сема *очик* лексемасининг генетик семаси ҳисобланади. Матндаги метафорик ҳосила маъносининг юзага чиқишига 6-сема асос бўлиб хизмат қилган. Учинчи матндаги *ўткир* лексемасининг генетик семасидаги 1) яхши кесадиган, кескир; 2) учи найзаланган, учли; 3) таъм билиш, ҳидлаш, эшитиш ва бошқа сезги аъзоларига кучли таъсир этадиган, кучли; 4) руҳий ва бошқа жиҳатдан таъсир даражаси; кучи юқори: кучли; 5) қобилиятли, имконияти юқори даражали; 6) касб-хунар, билим ва шу қабиларда юқори даражага эга бўлган, юқори савияли: кучли; 7) Ўткир (эркак исми) [6] каби семаларнинг 5-семик маъносига кўра метафорик маъно ҳосил қилган.

Кўрамизки, бахши дostonнинг эпик баёнида тингловчиларга тушунарли ва таъсирли бўлиши учун тилнинг ифодавийлигини таъминлаш мақсадида сифат лексемалардан хилма-хил мазмундаги метафорик маънолар ярата олган. Дарҳақиқат, “сифат лексемаларнинг асосий хусусияти белги ифодалаш билан бирга матн таркибида кўчма маъно ҳосил қилиш ҳисобланади” [2].

“Рустамхон” дostonи матндаги сифат-метафораларни ўрганиш давомида уларнинг кенгайган тарздаги сўз бирикмаси ва ҳатто гап билан ифодаланиш мумкинлигига иқрор бўлдик. Уларда бахшининг дoston ижроси давомида метафорик маънони бўрттириб, эпик баёндаги муайян тасвирларнинг тингловчилар учун таъсирчанлик манерасини, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга янада қизиқишларини оширишга хизмат қилганлигини кузатдик. Бинобарин, “сифат лексемалардан нутқ жараёнида, жумладан, бадий матндаги ўринли ва оқилона фойдаланиш услубий таъсирчанликни ошириш, маъноли кучайтиришнинг муҳим воситалардан бири саналади. Даврлар ўтиши билан тил воситаларининг нутқда қўлланиш имкониятлари кенгайиб борганидек, сифат лексемалар ҳам янги окказионал семалар билан нутқий таъсирчанлик доирасини оширади. Бу эса келгусида сифат лексемаларга оид кузатишларни янги материаллар асосида давом эттириш зарурлигини кўрсатади [7].

Юқоридаги қисқача кузатишларимиздан шу нарса аён бўлдики, бахши эпик қаҳрамонларнинг муайян хатти-ҳаракатлари, руҳияти, нияти, ички ва ташқи киёфасини эпик баён этишда сифат метафоралардан самарали фойдалана олган, ўзига хос услуб яратган. Натижада дostonнинг лексик бойлигини оширишга, ижро ва матнда бадийлик ва образлиликни таъминлашга эришган.

Адабиётлар

1. Мамажонов С. Услуб жилolari. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 82-б.
2. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирикларнинг коннотатив аспекти: филол. фан. ном. дис. –Т.: 1998. 82-б.
3. Қобилжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: филол. фан. ном.... дис. –Тошкент: 2000. 53-б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Тошкент: ЎзбМЭ, 2007. Т. 3. 14-б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Тошкент: ЎзбМЭ, 2008. Т.4. 5-б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Тошкент: ЎзбМЭ, 2008. Т.5. 179-б.
7. Пардаев З. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Филол. фан.ном.... дис. Автореферат. – Самарканд: 2004. 18-б.

РЕЗЮМЕ. Мақолада сифат сўз туркумига хос лексемаларнинг “Рустамхон” достони матнидаги услубий имкониятлар ўрганилган. Сифатга хос лисоний метефораларнинг матндаги умумий ўхшашлик жиҳатлари, шунингдек, бу борадаги бахшининг эпик маҳорати ва индивидуаллиги, ўзига хос услубга эга эканлигини белгиловчи лисоний воситалар таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ. В статье исследуются методологические возможности лексем в тексте эпоса «Рустамхан». Анализируются общие сходства в тексте качественных языковых метафор, а также эпическое мастерство и индивидуальность бахши в этом плане в языковых средствах, определяющих их специфический стиль.

SUMMARY. The article explores the methodological possibilities of lexemes in the text of the epic "Rustamkhan". The general similarities in the text of qualitative linguistic metaphors, as well as the epic skill and individuality of the bakhshi in this regard, are analyzed in the linguistic means that determine their specific style.

G. DÁWLETOVA SHÍĠARMALARINDA METAFORALARDÍN STILLIK QOLLANILIWI

Sh.A.Jolimbetova - tayanish doktorant

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı

Tayanch so'zlar: stilistik, metafora, semantika, trop, emotsional, ekspressiv.

Ключевые слова: стилистика, метафора, семантика, художественные средства, тропы, эмоциональный, экспрессивный.

Key words: stylistic, metaphors, semantics, figurative devices, tropes, emotional, expressive.

Sociallıq turmısta troplar kórkem shıǵarmalar hám sóylewde keń paydalanıladı. Olar tınlawshıǵa kórkemligi menen iqsamlıǵı, stillik tárepten sulıw bolıp, emociionalıq-ekspressivlik tásiiri kúshli bolıp keledi. Troplar bul (gr.tropos- basqa bir nársenge aylanıw) bir sózdiń ayırım kontekstlerde óziniń tiykarǵı tuwra mánisinen basqasha awıspalı mánide qollanılatuǵın leksikalıq kórkemlew quralı. Solardıń qatarına jatatuǵın metafora stillik maqsetlerde qollanılıwı ayırıqsha orn tutadı. Metafora [gr- metaphora –awısıw, ózgertiw, meta-qaytadan, phora- kóshiremen]. Eki predmet yáki qubılıstıń qanday da bir uqsaslıq tárepine tiykarlanıp, onıń birewine tiyisli belgini awıspalı mánide ekinshi predmet penen baylanıstırıp aytıw. Bul jaǵınan ol teńewge uqsas, biraq teńewdey bolıp zatlardı salıstırmaıdı, uqsatadı, megezetedi. Sonlıqtan da metaforalarda obrazlılıq kúshlirek boladı. Biz bul maqalamızda G.Dáwletova shıǵarmalarındaǵı metaforalardı toqtamaqshımız.

Metafora bul til biliminde qanday da bir uqsalıq tiykarında pyda bolǵan awısqan mánilerdi túsineміz. Bul usıl arqalı kórkem ádebiyatta kórkem súwretlewdiń baslı qurallarınıń biri sıpatında da metaforalar jasaladı [1]. Metaforalardı úyreniw áyyemgi dáwirlerden metaforanı álemdi anlawdıń ayırıqsha usılı hám quralı retinde kórineді. Aristotel sonıń menen birge Ciceronǵa tiyisli ediya bolıp tabıladı. Siceron Kvintiliandan parıqlı rawishte, eń dáslep ol metafora arqalı buyımlar haqqındaǵı maǵlıwmattı anıq hám dál jetkiziw múmkinligini bayqaydı [2]. Al ulıwma xalıqlıq tanımalıqqa iye bola almay júrgen kórkem sóz sheberiniń ayırıqsha stiline baylanıslı ǵana qollanılǵan mániler leksikalıq mánilerdiń toparına kirmesten, jekke mánilik sıpatında qala beredi.

Usıǵan baylanıslı qaraqalpaq tilinde metaforalardı ulıwma xalıqlıq xarakterge iye bolıw dárejesine hám stillik ózgesheliklerine qaray úsh topardı bóliwge boladı.

1. Ulıwma xalıq tilindeǵı metaforalar. Buǵan turmıstıń barlıq xalıq sóylew tilinde, jazba tilda, sonıń ishinde kórkem shıǵarmalarda da keńnen qollanılıp júrgen metaforalar kiredi.

2. Ulıwma xalıq tilinde qollanılatuǵın, biraq obrazlılıq sıpatqa iye metaforalar. Buǵan kórkem súwretlew qurallarınıń biri sıpatında paydalanılıp kiyatırǵan metaforalar kiredi.

3. Ulıwma xalıq tilinde tanımalılıqqa iye emes metaforalar. Geypara waqıtlarında qálegen sóz sheberiniń shıǵarmalarında óziniń súwretlew stiline baylanıslı ayırıqsha stillik ózgesheliklerin kórsetetuǵın metaforaları kóriwge boladı.

Qaraqalpaq tili metaforalardı júdá bay, onda qaraqalpaq xalqınıń sırtqı dúnyanı, insannıń logikalıq dúnyasını názik kórkem sezimler menen kórsetiwde ájayıp formalar menen berilgen [3]. G.Dáwletova shıǵarmalarında jekke avtorlıq metaforalar da júdá úlken sheberlik penen qollanılǵan. Shayır óz shıǵarmalarında metaforalardı ózine tán kórkem-estetikalıq boyaw bere alǵan. G.Dáwletova dóretilwshiliginiń ózine tán bolǵan is-háreket hám óz ara baylanıslardı sáwlelendiriwde haywan, qus hám ósimlik

atlarınan metafora sıpatında qollanılǵan. Onıń shıǵarma hám poemalarında ásirese, xalıq tilinde keń tarqalǵan qus, haywan, iyt, túlki, jılan, qasqır, suńqar, aqquw, kiyik, búlbúl sıyaqlı sózlerdiń tiykarında payda bolǵan dástúriy metaforalar kóp ushırasadı.

Shayıranıń shıǵarmalarında gül, ay, búlbúl sıyaqlı metaforalar kóplep ushırasadı. Misalı,

Biyǵárez el gül jaynaǵan,

Bagında búlbúl sayraǵan. (Tuwılǵan jer 4-b)

Búlbúl-shimshıqlar toparına kiretuǵın sayrawshı qus. Ol awıspalı mánide xosh hawaz, sheshen yáki sulıw yar mánisinde kóp qollanıladı. Klassikalıq ádebiyatta shın ashıǵı, muxabbat tımsalı sıpatında sáwlelenedi. Onıń súyikli yarı-gül. Gül bar jerde búlbúldiń bolıwı tábiyiy. Klassikalıq ádebiyatta gül ayırıqsha poetikalıq obraz sıpatında qalıplesken. Ol óziniń jaǵımlılıǵı, sıyıqlı kórinisi, gózzal kelbeti menen dástúriy formada poeziya ushın eń áhmiyetli súwretlew quralı bolıp tabıladı. Kópshilik shayırlar gül sózin qız, súyikli yar sıpatında qollanǵan. G.Dáwletova da usı dástúriy formanı dawam etip kiyatırǵan usı metaforalıq obrazdan gózzal, kórkem formalardı payda etiw ushın ónimli paydalanǵan.

Alpıs biyiń alpıs jaqqa tartqanda,

Arasında túlki, saǵal jortqanda. (Qara taw 6-b)

Metaforalardıń ózine tán qásiyetleri kórkem tekst sheńberinde poeziyalıq dóretpelerde bórtirip turadı. Sonıń ushında G.Dáwletova dóretilwshiliginde qollanılǵan metaforalardıń ózine tán táreplerin anıqlawda olardıń shayıp poeziyasında tutqan ornına bólek itibar qaratıw kerek. Shayırdıń qosıq tekstlerinde basqa lingvopoetikalıq qurallar qatarı metaforalardı qanday maqsette qollanılǵanǵa qaray bul quraldınatqaratuǵın wazıypası hám kórkem estetikalıq qımbatın belgilewi múmkin. Sóylewimizde eń kóp tarqalǵan hám kóp qollanılǵan mánı awısıw usılı metafora bolıp tabıladı. G.Dáwletova óz dóretilwshiliginde keń qollanıwshı lingvopoetikalıq qurallardan biri metaforalar bolıp tabıladı hám metaforalardan ónimli hám ornılı paydalanǵanlıǵın kóriwge boladı.

Bir shıbıqtan nárwan bolıp jetilgen,

Bir shaqańman, bayteregim jan ana. (Nuranıy ata-anaǵa 29-b)

Bul misaldaǵı «shaqa» sóziniń tiykarǵı tuwra mánisi terektiń bir putaǵı, shaqası mánisin bildiredi. Shayır shaqa sózine stillik jaqtan obrazlılıq mánilik júk júklep ananıń bir bólegi, aǵzası, shaqası, putası dep metafora payda etken halda sózdiń qosımsha mánilik shegarasını, diapozonın keńeytken hám ana tilimizdiń sóz baylıǵın da kóbeytken.

Tursadaǵı «Kók kemeni» jaqtırmay,

Ketken jawǵa betin berman baqtırmay,

Temir tumsıq qanatlıǵa qaqtırmay,

Qızǵıstay qorıǵan bizdi atalar. (Nuranıy ata-anaǵa 29-b)

Shayırdıń bul qosıǵın oqıp kóretuǵın bolsaq, baslı teması watandarlıq, eldi qorǵaw yaǵnıy urıs jıllarındaǵı dáwirdi súwretlegen. Bundaǵı «Temir tumsıq qanatlıǵa qaqtırmay» qatarları forması jaǵınan sáykes kelgeni